

УЎК. 633.11; 632.9; 632.95

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИДА САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИНИ
ТАРҚАЛИШ КОРДИНАТАСИНИ АНИҚЛАШ**

*А.Х.Мейлиев қ/х.ф.д. катта илмий ходим.,
О.С.Амиркулов қ/х.ф.ф.д. катта илмий ходим.,
кичик илмий ходим С.Санаев*

*Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
Кашкадарьинская область г. Карши почта индекс: 180100,
Бешкент йўли 3 км.*

Аннотация. Мақолада кузги бошоқли дон экинларига зарар етказадиган замбуруғли касалликларидан сариқ занг касаллигини Қашқадарё вилояти туманларида тарқалиши кордината нуқталарини аниқлаш бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Калит сўзлар: Бошоқ, фунгицид, миқдор, зарари, касаллик, замбуруғ, сариқ занг, буғдой, кордината, нуқта, биологик, самарадорлик, экин, кузатув, мониторинг.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ КООРДИНАТЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЖЕЛТОЙ
РЖАВЧИНЫ В ПЕРИОДЫ РАЗВИТИЯ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ В РАЙОНАХ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

*Мейлиев А.Х. к/х.ф.д. старший научный сотрудник.,
О.С.Амиркулов қ/х.ф.ф.д. старший научный сотрудник.,
младший научный сотрудник С.Санаев*

*Южный сельскохозяйственный научно-исследовательский институт
Кашкадарьинская область г. Почтовый индекс Карши: 180100,
Бешкентская дорога находится в 3 км.*

Аннотация. В статье представлены данные по определению координатных точек распространения желтой ржавчины, грибного заболевания, повреждающего озимые зерновые культуры, в районах Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: Колос, фунгицид, количество, повреждение, болезнь, гриб, желтая ржавчина, пшеница, координата, точка, биологическая, продуктивность, урожай, наблюдение, мониторинг.

DETERMINATION OF THE SPREADING COORDINATE OF YELLOW RUST DISEASE DURING THE DEVELOPMENT PERIODS OF WHEAT VARIETIES IN THE DISTRICTS OF KASHADARYA PROVINCE

*A.H.Meyliev q/x.f.d. senior researcher.,
O.S.Amirkulov q/x.f.f.d. senior researcher.,
junior researcher S.Sanaev*

*Southern Agricultural Research Institute
Kashkadarinskaya oblast g. Karshi zip code: 180100,
Beshkent road is 3 km.*

Annotation. The article presents data on determining the coordinate points of the spread of yellow rust, a fungal disease that damages autumn grain crops, in the districts of Kashkadarya region.

Key words: Spike, fungicide, amount, damage, disease, fungus, yellow rust, wheat, coordinate, point, biological, efficiency, crop, observation, monitoring.

Ҳозирда дунёнинг йирик ғалла саноатига эга Австралия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва кўпгина мамлакатларда занг касалликларини доимий мониторинг қилиш ва уларни ривожланиш динамикасини назорат қилиш ҳамда чидамли бўлган навларни жорий қилиш йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигида ҳар қандай касалликка қарши курашнинг энг самарали, арзон ва атроф-муҳитга хавфсиз бўлган экологик усули бу чидамли навни экишдир. Бу борада занг касалликларини доимий мониторинг қилиш ва уларни вирулентлик таркибини ўрганиш ғаллачилик учун катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, кузатув ва лаборатория таҳлилларига асосланган ҳолда занг касалликларига қарши курашда занг касалликларининг генларини аниқлаш ва самарали генлардан фойдаланиш имкониятини беради ва албатта ушбу тажрибалар натижалари республикамиз ғаллачилигида занг касалликларига қарши кураш олиб боришда юқори самара беради.

Қишлоқ хўжалигида ҳар доим долзарб бўлиб келаётган буғдойнинг занг касалликларига чидамли навларнинг камлиги туфайли касалликларнинг зарари 50-60% ни ташкил қилмоқда (Романенко.А.А., Беспалова Л.А., Кудряшов И.Н., Аблова И.Б. 2005 й.). Ғалла майдонларида занг касалликлари эрта (тупланиш-найчалаш даврида) пайдо бўлиб, байроқ барг чиқариш пайтига келиб, ўсимликлар кучли зарарланишига олиб келади (А.Аманов, Н.Умиров 2006 й.). Сарик занг касаллиги ирқларининг мутацияга учраши натижасида янги ирқларининг пайдо бўлиши натижасида ҳосилдорликка жиддий зарар келтиради. Шу сабабли, касалликларига қарши курашда фақат кимёвий усуллардан эмас, балки селекцион усуллардан ҳам фойдаланиш самарадор ҳисобланади (Д.Жўраев 2017 й.).

Жорий йилнинг 13-март кунида Қашқадарё вилоятининг **Шахрисабз** ва **Яккабоғ** туманларида кузги бошоқли дон экинларидан турли буғдой навларининг туплаш ва найчалаш даврида сариқ занг касаллиги билан ривожланиши ва касалланиш даражасини махсус **JPS**-аппарати ёрдамида сариқ занг касаллигини кордината нуқталарини белгилаш учун мониторинг кузатув ишлари олиб борилди.

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз тумани бўйича кузги бошоқли дон экинлари майдонларида мониторинг кузатув таҳлил натижаларига кўра, Шимолий узунликда ўртача 39.05561., 39.05579 кўрсаткичларни ташкил қилди, Шарқий кенгликда ўртача кўрсаткичлари 066.05988, 066.06002 денгиз сатхидан 467-468 км баландликда буғдойнинг туплаш даврида ўртача 20% зарарланганлиги кузатилган бўлса, найчалаш даврига келиб сариқ занг касаллиги билан ўртача 30% зарарланганлиги аниқланди (1-жадвал).

Шимолий узунликда ўртача 39.05516., 39.05528., 39.05548, 39.05591 кўрсаткичлар кузатилган бўлса, шарқий кенгликда ўртача 066.05948, 066.05961., 066.05975., 066.05035, кўрсаткичларни ташкил қилганлиги маълум бўлди. Маълумотларга кўра, денгиз сатхидан 464-467 км баландликда буғдойни найчалаш даврида сариқ занг касаллиги билан зарарланиши мониторинг ўрганилганда буғдойда занг касаллиги учрамаганлиги кузатилди.

1-жадвал

Турли буғдой навларининг туплаш ва найчалаш даврида сариқ занг касаллигини ривожланиши ва касалланиш даражасини махсус **JPS**-аппарати ёрдамида кордината нуқталарини мониторинг аниқлаш.

(Қашқадарё вилояти туманлари мисолида 13.03.2023 й.).

Туманлар	Шимолий узунлик	Шарқий кенглик	Денгиз сатхидан баландлиги	Кузатув олиб борилган кун	Ўсимлик ривожланиш фазаси	Касаллик	Касалланиш даражаси %
Шахрисабз	39.05516	066.05948	464	13.03.2023	Найчалаш	Йўқ	-
Шахрисабз	39.05528	066.05961	465	13.03.2023	Найчалаш	Йўқ	-
Шахрисабз	39.05548	066.05975	465	13.03.2023	Найчалаш	Йўқ	-
Шахрисабз	39.05561	066.05988	468	13.03.2023	Туплаш	Сариқ занг	20
Шахрисабз	39.05579	066.06002	467	13.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	30
Шахрисабз	39.05591	066.05035	467	13.03.2023	Найчалаш	Йўқ	-
Яккабоғ	39.00319	065.64228	438	13.03.2023	Туплаш	Йўқ	-
Яккабоғ	39.00333	065.64262	438	13.03.2023	Туплаш	Йўқ	-
Яккабоғ	39.00344	065.64289	439	13.03.2023	Найчалаш	Йўқ	-
Яккабоғ	39.00368	065.64312	440	13.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Яккабоғ	39.00408	065.64364	440	13.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Яккабоғ	39.00444	065.64433	441	13.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	10

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани бўйича кузги буғдой майдонларида мониторинг кузатув таҳлил натижаларига кўра, Шимолий узунликда ўртача кўрсаткичлари 39.00368., 39.00408., 39.00444 Шарқий кенгликда ўртача 065.64312., 065.64364., 065.64433 кўрсаткичларни ташкил этганлигини намоён этди. Денгиз сатхидан 440-441 км баландлик қисми ўрганилганда буғдойнинг найчалаш даврига келиб ўртача 10-20% сариқ занг касаллиги билан ўсимликлар зарарланганлиги маълум бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, шимолий узунликда ўртача координат нуқталари 39.00319., 39.00319., 39.00344 кўрсаткичларни ташкил этган бўлса, шарқий кенгликда ўртача 065.64228, 065.64262., 065.64289 кўрсаткичлар маълум бўлди. Денгиз сатхидан 438-439 км баландликда буғдойнинг туплаш ва найчалаш даврларида сариқ занг касаллиги билан зарарланмаганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Аманов.А., Н.Умиров. “Определение вредности желтой ржавчины по анализу F2 гибридов от скрещивания устойчивых образцов с восприимчивыми” // “Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясининг муаммолари” Республика илмий-амалийереция тўплами. – 2006 й. – Самарқанд. 19-20 июл. – Б. 86-88.
2. Романенко.А.А., Беспалова Л.А., Кудряшов И.Н., Аблова И.Б. “Новая сортовая политика и сортовая агротехника озимой пшеницы” // КСНИИСХ – Краснодар. – 2005 г. – С. 234.
3. Жўраев.Д.Т. “Сариқ занг касаллигига чидамли навларни танлаш” // “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг қишлоқ хўжалиги, экология ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ривожлантиришдаги ўрни”. Республика илмий анжумани мақолалар тўплами – Қарши. – 2017. – Б. 322-323.